

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

"РЎЙХАТГА ОЛИНДИ"

№ ВМ-343-51409-4.03

"1" июль 2003 й.

"ТАСДИҚЛАНДИ"

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлиги

"8" июль 2003 й.

**КАСБ ТАЪЛИМИ
ПЕДАГОГИКАСИ
фанидан
ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 140000 - "Ўқитувчилар
тайёрлаш ва педагогика" таълим соҳасидаги
5140900 - "Касб таълими" бакалавриат йўналиши учун**

Тошкент - 2003

Тузувчилар: доц. Примов М.,
к.ўқ. Султонов Қ.

Такризчилар: проф. Куранов М.,
доц. Бабашев Ф.

"Касб таълими педагогикаси" фани бўйича тузилган ушбу дастурда бўлажак мутахассисларнинг касб таълими соҳасидаги билимларини ривожлантиришнинг педагогик муаммолари, касбий педагогик фаолиятнинг ташкилий асослари, касб таълимининг мазмуни, усуллари ва жараёни, инновацион технологиялар тўғрисида батафсил маълумот берилган.

Шу билан бирга дастурда кадрлар тайёрлаш миллий дастуридаги энг муҳим вазифалардан бири малакали мутахассисларнинг ўзлигини, ўз қобилиятларини, шахсий фазилати ва хислатларини, шунингдек, таълим муассасаларида ўқувчиларни миллий мафкурамиз асосида тарбиялаш, таълимда янги инновацион технологиялардан фойдаланишга асосий эътибор қаратилган.

В этой программе по предмету "Педагогика профессионального образования" раскрыты основные направления развития знаний-в сфере профессионального образования, организационные основы профессиональной педагогической деятельности, содержание, услуги и процессы профессионального образования, а также инновационные педагогические технологии в этой сфере.

Вместе с тем в программе основное внимание уделено воспитанию молодёжи на основе принципов национальной идеи и инновационных педагогических технологий.

In this programme in a subject "The pedagogics of professional education" are opened the basic directions of development of knowledge in the sphere of vocational training, organizational bases of professional pedagogical activity, contents methods and processes of vocational training, and also innovation pedagogical technologies in this sphere.

At the same time in this programme especial attention is given to upbringing of youth on bases national idea principles and innovation pedagogical technologies.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (25 апрель 2003 йил 9-сонли баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи

Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

1. СЎЗ БОШИ

Ўқув фанининг мақсад ва вазифалари, бошқа фанлар билан боғлиқлиги

Республикамиз мустақилликка эришгач касб таълимини ривожлантириш учун бир қанча янги асослар юзага келди. Жумладан, "Касб таълими педагогикаси" фани нисбатан ёш ва кўп соҳаларда ривожланиб бораётган касб-хунар таълимини ривожланиши билан уйғунликда тараққий қилиб бормоқда.

"Касб таълими педагогикаси"ни ўқитишнинг асосий мақсади бўлғуси иқтисодчи-педагогларни Давлат таълим сандартида қўйилган талаблар даражасида билим, куникма ва малакалар билан изчил қуроллантиришдан иборатдир.

Бўлажак иқтисодчи-педагоглар "Касб таълими педагогикаси" курсида мутахассислик бўйича билимларини кенгайтирадилар, ҳамда янги билимлар ва қарашлар билан қуроллантирадилар. Ушбу дастур иқтисодчи-педагогларни миллий мафкура тарбияси хусусиятлари, талабани маънавий ривожлантириш асослари, ўқувчи ва ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар, касбий таълимнинг назарий ва амалий асослари ҳақида билимлар билан қуроллантириш вазифасини бажаради.

Дастурда касб таълими тизимида таълим-тарбия жараёнлари қонуниятлари, замонавий ўқитиш усуллари, ривожланган таълим тизимлари ва Ўзбекистон Республикаси таълим тизимининг хусусиятлари атрофлича ёритилган.

Ўқув фани бўйича билим, кўникма ва маҳоратларга талаблар

Иқтисодчи-педагог бакалаврлар қуйидагилар ҳақида тасаввурга эга бўлишлари керак:

- Касб таълими педагогикаси асослари ҳақида;
- Касб таълими усуллари ҳақида;
- Касб таълими педагогикасидаги инновацион технологиялар ҳақида; - Ўзбекистон Республикасида таълимни ривожлантиришнинг янги босқичида касб таълими педагогикаси ҳақида;
- Ўзбекистон Республикаси таълим тизими ва унинг асосий қонунлари ҳақида.

Қуйидаги тажрибага эга бўлиши керак:

- машғулотларда ўқув материалларини ўзлаштириш режаси ва машғулотнинг режа конспектларини турли-хил шаклларда тузиш;

- замонавий педагогик тамойиллар асосида таълимни, билим олишни ташкил қилиш ва қўллашни;
- талабалар мустақил ишлаш ва мустақил таълимни илмий-услубий ташкил қила олиш.

Семинар машғулоти бўйича бажариладиган ишларнинг минимал миқдорига талаблар

Иқтисодчи-педагог бакалаврлар "Касб таълими педагогикаси" фанини ўзлаштириш жараёнидаги амалий машғулоти, семинар машғулотларни баҳс мунозара шаклида олиб бориш, мавзулар бўйича тест вариантларини тузиш, берилган адабиётлардан фойдаланган ҳолда амалий машғулоти саволларига жавоблар, рефератлар ёзиш кўзда тутилади.

Аудитория машғулоти турларининг соатлар ҳажми бўйича тавсиялар

Намунавий ўқув режада мазкур курсга 45 соат ажратилган. Уларнинг 15 соати маъруза, 15 соати семинар машғулотларидан, 15 соати мустақил таълимдан иборат. Мазкур курсни ўзлаштириш натижасида бакалаврлар касб таълими соҳасида билим ва кўникмаларига эга бўладилар.

Иқтисодчи-бакалаврлар билимини баҳолаш учун ўтказиладиган назорат тадбирлари миқдори

"Касб таълими" педагогикаси курсидан бакалаврлар билимини назорат қилиш икки марта ЖБ, икки марта ОБ, бир марта ЯБ шаклида ўтказилади.

Компьютер, информацион ва бошқа замонавий ўқитиш технологияларини қўллаш

"Касб-таълими педагогикаси" курсини ўқитишда альбомлар, компьютерлар, аудио ва видео ускуналар, проекторлар ва слайдлардан фойдаланиш талаб этилади.

Ўқув дастурини тузишга оид услубий тавсиялар

"Касб таълими педагогикаси" фани намунавий ўқув режаси бўйича 8-семестрда ўқитилади.

2. ФАН ДАСТУРИ

Ўзбекистон Республикасида касб таълими

Ўзбекистонда касб таълимининг ислоҳоти. Кадрлар тайёрлашдаги касбий-квалификацион ўзгаришлар. Касбларни таҳлил қилиш усуллари. Кенг профилли ва юқори малакали ишчилар ва кичик мутахассисларни тайёрлашга қўйиладиган талаблар. Олий касб таълими.

Касб таълими педагогикаси асослари

Касб таълими педагогикасининг назарий-усулдологик асослари. Касб таълими педагогикасининг илм сифатида ўрни. Касб таълими педагогикасида назарий методдологик негизлар таракқиёти. Малакавий тайёргарликдаги асосий дидактик босқичлар. Касб таълими педагогикасида изланиш усуллари. Касб таълими педагогикасининг тарихий ривожланиши. Малакавий билим беришдаги ривожланиш тизимининг асосий тенденциялари. Таълимнинг узлуксизлиги. Таълим стандартлари. Таълимнинг бирлашиши, таълимнинг демократиявийлиги, чет эл касбий таълими.

Кенг профилли, юқори малакали ишчилар ва кичик мутахассис тайёрлашнинг назарий асослари

Касб таълими педагогикасининг қонуниятлари. Ишчининг кенг миқёсдаги иш модели. Касбларни гуруҳлаш асослари. Босқичли ўқитиш назарияси. Ишлаб чиқариш таълимининг даврлари. Ишлаб чиқариш таълими тизимлари. Ишлаб чиқаришга ўқитишнинг мазмуни ва уни ишлаб чиқиш тамойиллари.

Касб таълими педагогик жараёни

Касб таълими педагогик жараёнининг структураси моҳияти ва таркиби. Касб таълимнинг тамойиллари. Касб таълими педагогик жараёнини лойиҳалаш. Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил этиш. Шахсий малакавий билимлар олиш. Касб таълимининг самарадорлик мезони.

Касб таълими мазмуни

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандарти; таълим мазмуни тузилмасини микродаражаси; микродаражадаги ўқиш мазмунининг тузилмаси.

Касб таълимнинг усуллари

Касб таълими усулларининг умумий тавсифномаси. Назарий таълим усуллари. Ишлаб чиқариш таълим усули. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш, таълим усулларини танлаш.

Касб таълимида ўқитиш воситаларининг яратилиши ва қўлланилиши

Касб таълими ўқитиш воситалари дидактиканинг категорияси сифатида. Ҳозирги замон касб таълимида ўқув воситаларининг тавсифномаси. Ўқув ишлаб чиқаришни ўқитиш воситалари. Ўқитиш воситаларининг ривожланиш

истикболлари. Ўқитиш воситалари тизимининг шаклланиш технологияси ва уларнинг мажмуавий ишлатилиши.

Касб таълимида инновацион технологиялар

Таълим жараёнларини таҳлил қилиш учун қўлланиладиган педагогик категориялар. Касб таълими ўқитиш технологиялари мажмуавий интегратив тизим сифатида. Ўқитиш технологиясини лойиҳалаш. Умумлашган педагогик технологиялар.

Касб таълимида янги педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш истикболлари.

3. СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАХМИНИЙ МАВЗУЛАРИ

Касб таълимини ривожлантиришда давлат сиёсати

"Таълим тўғрисида"ги Қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да касб таълимини ривожлантириш вазифаларининг қўйилиши.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг асарларида касб таълимини ривожлантириш масалаларининг таҳлил этилиши.

Касб таълими мазмуни мезонлари

Касб таълими педагогикасида изланиш усуллари. Касб таълими мазмунини ишлаб чиқиш мезонлари. Таълимнинг узлуксизлиги, бирлашиши, таълим стандартлари. Чет элларда касб таълими.

Касб таълими педагогикаси қонуниятлари

Касб таълими педагогикаси қонуниятлари, босқичли ўқитиш назарияси. Ишлаб чиқариш таълими тизимлари. Ишлаб чиқаришга ўқитишнинг мазмунини ишлаб чиқиш тамойиллари.

Касб таълими тамойиллари

Касб таълими педагогик жараёни моҳияти ва таркиби. Касб таълими тамойиллари. Касб таълими мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.

Касб таълими ва давлат таълим стандарти

Ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандарти. Касб таълими мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.

Касб таълими усуллари

Касб таълими усуллари. Назарий таълим усуллари. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш.

Ўқитиш воситалари

Ўқитиш вазифалари дидактик категория сифатида. Ўқитиш воситалари тизимини шакллантириш технологияси. Замонавий ўқитиш воситалари тавсифи.

Касб таълимида инновацион фаолият

Педагогик жамоанинг инновацион фаолияти. Ўқитиш технологиясини лойиҳалаш. Касб таълимида янги педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш.

Ўқувчи ёшларни касбга йўналтириш ва касбни мустақил танлаш. Тарбиявий ишлар механизми. Ёшларнинг касб тарбиясидаги узвийлик тушунчаси.

4. ИНФОРМАЦИОН-ТЕХНИК ВОСИТАЛАР

Кўргазма-намойиш материаллар рўйхати:

- "Касб таълими педагогикаси" нинг амалиёт билан боғлиқлигини акс эттирувчи схематик плакатлар;
- "Касб таълими педагогикаси" нинг илмий тадқиқот усуллари кўрсатилган плакатлар;
- Таълим мазмунини ташкил қилувчи таълим тамойиллари акс этирилган кўргазмали плакатлар.

Ўқув фильмлари рўйхати (интернетдан олинади).

Маъруза матнлари бўйича тарқатма материаллар.

Амалий машғулотлар мавзулари бўйича тарқатма материаллар.

5. ЎЗЛАШТИРИШНИНГ НАЗОРАТИ

Назорат турлари:

жорий баҳолаш учун:

- семинар машғулот саволларига ёзма жавоблар тайёрлаш;
- оғзаки баҳс-мунозараларда қатнашиш;
- тест вариантларига жавоблар бериш;
- рефератлар ёзиш.

оралиқ баҳолаш учун:

- маъруза дарсларига қатнашиш;
- маърузалар мазмунини ёзиб бориш;
- маъруза дарсларида савол-жавоблар билан фаол қатнашиш.

яқуний баҳолаш учун:

кафедрада тасдиқланган фан варианты саволларига "ёзма иш" ни бажариш ёки тест саволлари, вариант саволларига оғзаки жавоб бериш.

6. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
8. Каримов И.А. Биз ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
9. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
10. Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
11. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т.: Ўзбекистон, 2002.
12. Каримов И. А. Ҳаётимизнинг тараққиётимизнинг ҳуқуқий асоси. Халқ сўзи. 2002 йил 6 декабр.
13. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Т.: Шарқ, 1997.
14. Касб-ҳунар билим юрти ўқитувчилари ва инструкторларини тайёрлаш ва малакаларини ошириш. Маърузалар матни. Германия техникавий ҳамкорлик жамияти лойиҳаси. -Берлин-Тошкент, 1999-2002.
15. Касбий педагогика. Маърузалар матни. Толипов Ў. Қ ва бошқ.-Т.: ТДИУ, 2001.
16. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.-Т.: Ўзбекистон, 2000.

Кўшимча адабиётлар

1. Давлетшин М.Г., Захарина М.С. Профессиональная ориентация учащихся. Реформа в действии. - Т.: Ўқитувчи, 1986.
2. Джени Стил, Керт Мередис, Чарльз Телигл. Проект: Чтение в письмо для развития критического мышления. Пособия 1-7. Бишкек, 1998.
3. Мавлонова Р, Тўраева Ж. Педагогика. Т.: Ўқитувчи, 2001.
4. Основы профессиональной педагогики, -М.:1997.
5. Педагогика. (А.Мунавваровнинг умумий тахрири) - Т.: Ўқитувчи, 1996.
6. Подласый И. П. Педагогика. Новый курс. - М.: 1999.
7. Профессиональная педагогика: Учебник для студентов, обучающихся по педагогическим специальностям и направлениям.-М.: Профессиональное образование, 1997.
8. Сибирская М.П. Профессиональное обучение: Педагогические технологии. Санкт Петербург, 1996.
9. Слостенин В.А., Л.С.Подмова, Педагогика: Инновационная деятельность. - М.: 1998.
10. Ўзбекистонда бошланғич касб-хунар таълимини кўллаб-қувватлаш "Ўзбек-Герман лойиҳасининг биринчи босқич якунларига бағишланган конференция материаллари". – Т.: 2002.